

9 Май – Хотира ва Қадрлаш куни

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ



Зиёе нашмаси

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 5 (212)

2013 YIL, MAY

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Халқимиз ҳаётида чукур из қолдирадиган бу сана ҳар қайси уйда, ҳар қайси шаҳар ва кишлекда доимо катта ҳурмат ва эхтиром билан кутуб олиниади. Нега деганда, Ўзбекистон заминидаги бирорта оила, бирорта хонадон йўқки, унинг тақдирни мана шу сана билан боғланмаган бўлса.

Ислом КАРИМОВ

Хотира кечаси

Хотира ва қадрлаш – инсон ақл-заковатининг бетакрор қирралари, тирикликнинг азалий мезонлари. Ўтганларнинг руҳини шод этиш, уларнинг хайрли ишларини, эл-юрт ва Ватан олдидаги жасоратини ёдга олмоқ халқимизга хос эзгу қадрятлардан биридир. Зоро, инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғдир.

7 май куни институтимиз ёзги спорт мажмусасида институт раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси, "Талаба" спорт клуби ва "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан 9 Май "Хотира ва қадрлаш куни" га бағишилаб профессор-ўқитувчилар, ходимлар ўртасида футбол, талабалар ўртасида

тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни институт ректори профессор О. М. Дўсмутов кириш сўзи билан очди ва институтда ўтган давр мобайнида фаолият юритган мархум профессор-ўқитувчиларни, ходимларни, мархум талабаларни хотирлади. Маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А. Тангиров институтда фаолият юритган мархум профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва таҳсил олган мархум талабалар номларини бирмабир ўқиб ёшиттириди.

"Хотира – улуг қадрият" мавзусида институт оқсоқоллар кенгаши раиси, профессор Х. А. Тўракулов, "Инсон қадри азиз, ўтганлар хотираси – муқаддас" мавзусида профессор Ф. Ах-

спортинг футбол (ўғил болалар), волейбол (қизлар) тури бўйича ўтказилган анианавий хотира турнирининг якуний

медишина маъруза қилдилар.

Анъанавий хотира турнири голиблари тақдирландилар. Мусобака якунига кўра волейбол бўйича талаба қизлар ўртасида 1-ўрин – педагогика-психология, 2-ўрин – бошланғич таълим педагогикаси, 3-ўрин – ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талаба қизларига насиб этди.

Профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган футбол баҳсларида эса 1-ўрин – жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, 2-ўрин – табиатшунослик ва география, 3-ўрин – тарих факультетлари ўқитувчиларига берилиди.

Шунингдек, шахмат устаси деб Юсуф Усмонов, футбол жонкуяри деб Баҳтиёр Султонов, волейбол жонкуяри деб Баҳтиёр Турғиновларга диплом ва кимматбаҳо совғалар топширилди.

Камола НУМНОНОВА,
"Зиёе нашмаси" мұхбари

Китобхонлар конференцияси

Юртбошимиз Ислом Каримов "Ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанинни ҳимоя қилиш, уни даҳлсиз саклаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, отабоболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизнинг биз асрарасак ким асрайди, деган эътиқод билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга" – деган эдилар. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий моҳиятини ташкил этади. Зоро, ёшларни она-Ватанга, аждодларимизга нисбатан фархифтихор, ҳурмат каби фазилатлар, қатъий эътиқод, қараашларга эга бўлган, XXI аср талабларига хар томонлама жавоб берадиган соғлом ва баркамол авлод этиб вояга етказиш учун барча шартшароит ва имконият яратилгани Президентимиз томонидан юритилаётган оқилона сиёсатнинг натижасидир.

9 Май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан институтимизда ўтказилган китобхонлар конференциясида давлатимиз раҳбари И. Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари мазмун-моҳиятини талаба-ёшларга замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосида етказиш бош мақсад қилиб олинди.

Институт хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Абдувалиева, институт ҳукуқшуноси Х. Бўриева, ўзбек тили ва адабиёти факультети хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Почкаева, тарих факультети 2-босқич талабаси Д. Шералиева, педагогика-психологияси факультети ўқитувчи Н. Ҳайдарова, бошланғич таълим педагогикаси факультети талабаси Б. Исокулов ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, талабалар ўртасида муомала, кийиниш маданиятини кўтариш, масалалари ҳакида Фикр юритдилар.

Раъно САТТАРОВА



2008 йилдан бўён ўтказилиб келинаётган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали 4-5 май кунлари Навоий вилояти, Навбаҳор туманинда Сармишой кўриқхона-музей худудидаги бўлиб ўтди. Фестивални ўтказишдан асосий мақсад қадимий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли ўйналишлари билан халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Гилочар тадбирлар ўтказилди.

Бизда ёрқин таасусрот колдириган тадбирлардан бири бўйзбек миллий либосларининг намойиши

лоийхалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни асрар авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлadi.

Мен Сармишой маданият фестивалидан олган бой таасусротларимини институтимиз талаба-ёшларига хикоя қилиб берарканман, ўзимдаги билим ва таҳрибаларими янада бойитишга, янгидан янги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишга аҳд қилдим.

Махлиё НОРМУРОДОВА,
Мактабгача таълим ўйналиши талабаси

Суратда: Махлиё Нормуродова ўзи тайёрлаган ва намойиш этган ўтказилган қўйирчоқлари билан.

Асрлар садосидан даҳраманд бўлдик

Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида музжассам этган мазкур воҳа мамлакатимиз тарихига кизиқувчилар ва сайёхларни жалб этиб келаётir. Сойнинг ички соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ, петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тархийетини акс эттирган. Тош асрларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи хайвонларни хонакилаштириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари шулар жумласидандир. Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишланганлиги юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлан-

ганлигидан гувоҳлик беради. Фестиваль учун хозирланган маҳсус расталарда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган ҳалқ амалий санъати усталари, моҳир хунармандлар, уларнинг шогирдлари ўз иход на муналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Сармишой дарасида ҳалқ сайллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фольклор жамоаларининг чиқишлиари, баҳшилар ижролари, лапар ва айтишувлар, ошпазлар мусобақалари каби кўплаб кўн-

бўлди. Мен фестивалда устозим Мамлакат Эрматова раҳбарлигига тайёрлаган 200 тага яқин миллий кўйирчоқ ва юмшоқ ўйинчокларим билан қатнашдим ва фестивалнинг энг фаол иштирокиси деган дипломни олишга сазовор бўлдим.

Турли танловлар голибларига мукофот ва совринларни "Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми" мамгармаси Васийлик Каримова итопширад экан, фестивалнинг байрамона, юқори савияда ўтказилиши янгидан янги ижодий

9 Май – Хотира ва Қадрлаш куни

Ижодкорни хотирлаганда, даставвал, унинг битган мисралари ёдимизга келади. Бу мисраларга қанчалик порлок түйгулар сингдирилган бўлса, ижодкор сиймоси хам кўз ўнгимизда шунчалик ёркин намоён бўлди. Дарвоже, дононинг фикри, ботиринг шавкати унтилмайди деганларидек, ижодкордан сўз колади. Бу сўзда муаллифнинг умри бардавомадир. Шу маънода замонлар ва авлодлар дилига сурур бағишлаб яшаётган тирик сатрларни биз ўзимизга доими хамроҳ санаймиз. Чунончи, таникли шоира Шарофат Ботировадан хам ижодий фюзилияти давомида яратган кайнок түйгуларга бой, самимиликни шиор айлаган кўплаб шеърлар, шеърий таржима асарлар мерос қолди.

Оташ қалби ижодкор эди

Хаётда шоира атрофидаги воқеа-ходисаларга бефарқ қарамади, замондошлари севинчи, ташвишини ўзиники деб билди. Шодумон инсонлар кувонни қалбни нурафшон эттанди у түйгуларини у тўлиб-тошиб кўлади, кимнингдир кўзида бир томни ёш кўрганида юраги титроққа тушиб, ўйланиб, ҳаловатини йўқотиб, кечин-маларни шеърга айлантирид.

Шарофат Ботирова шеърият сехини, масъулиятини хис этиб ёзарди. Дастрлабки шеърларидан бирида у шеърни "оловли кўйлакка" менгзайди. Шараф келитирадиган айни пайтада, "шуласи кўни тиндирадиган" бу "либос" кейинчалик ижодкорни ёниб яшашга чоғлади, ўз сўзини айтишининг имконларини, усул ва услубларини топишида аскотди. Бунда, албатта, улгайган мухити, ҳалқ оғазаки иходи дурданаларидан баҳрамандлик ва "дард" атамиши порлок түйгу шоирга қанот бўлди. "Тановар" оҳангидагиза єзилган ўшбу мисралар фикримизга далил бўлади, деб ўйлаймиз:

Калбим бўлар уйниминг
остонасин чанг босди,
Олтин ёли туллорнинг узангисин
занг босди...

Ижодий фаолияти давомида Шарофат Ботирова ёзтибор топди, унинг гўзул ташбехларга бой шеърлари шеъ-



рият мухислари қалбидан жой олди, ўнг асосийси, устоз адилар назарига тушди. Дарҳакиқат, шоиранинг таржима асарлари ҳакида гапириб, устоз адил Асқад Мухтор унинг бу ижодий ютукларини "мардлик" деб таърифлаганди. Атоқли шоиримиз Зулфия эса, Шарофат Ботированинг ҳалқ оғазаки иходидан илҳомланишини алоҳида таъқдлаган. Адиб ва шоир Мирмуҳсин унга "оқ йўл" тилаганида шеърларидаги жозибага, шакл ва мазмун ўйнунигига ёзтиборни қаратиб, бу истеъод соҳибасига катта ишонч

билдириган эди.

Дарҳакиқат, шоиранинг шеърларидан мавзулар кўлами кенг ва ранг-бранг. Хусусан, "Париж оҳанглари", "Буҳенвалда қолган кўз ёшлар", "Нотрдам", "Кумушбибининг Париждаги ўйлари" сингари туркumlари унинг бадиий тафаккур қамровидан далолат беради. Муҳими, бу туркumlардаги барча шеърлардан шоиранинг Ватан қадр-киммати, юрт соянчини ифодалаган қайноқ нафаси хис-ҳаяжонга тўлиқ фарзандлик эктироми бўртиб кўринади:

Париж кўрки кафтимда турар
Эйфелдан боқсан,
Оппоқ насибам унган далам
эслаб кетаман.
Она кўксидан янги айрилган
чакалоқдек,
Онахон - Ўзбекистон, сени
кумсаб кетаман.

Олам ва одам тақдир, юрт истиқболи, милий қадринглар эктироғи унинг ҳар бир шеърида шайлоқ қалб кўнпил изкоридек кўйланган. "Момо Терезага зврлиш", "Ҳамид Олимжон билан сўхат", "Навоий Олимжон билан сўхат", "Хамид Олимжон билан сўхат", "Навоий айтланинг" сингари шеърларидан шоира қалбидан ўтказган севинч ва армонийларини камалак рангидек турфа бўйларда акс этиришга муваффақ бўлди. Унинг ижодидаги етакчи мотивлар яшаш ва яшариш шавки, айниска, умри поёнида биттан "Армонли ва умидли дунё" туркумида бўртиб кўринади. Ойдин озорур, беғубор болалик эса унинг "Момо Терезага зврлиш" шеърида саимий ўз ифодасини топган.

Таржимон сифатида хам Шарофат Ботирова самарали ижод килди. Муҳими, у аслийдан таржима қилишда ибрат кўрсатди. Машук француза адаби Виктор Гюгонинг роман ва драмалари билан танишган китобхонлар унинг шериятини Шарофат Ботирова таржималари орқали кашф этишиди.

Ҳар ҳаво мавжудларида шоиранинг "Камалак" шеъри билан кўйланадиган қўшиқ янграганди, табиатини бу гаройиб ҳодисаси каби Шарофат Ботированинг сержиси ва рангдор шеърлари ёдимида келади.

Бахтиёр СОАТОВ,
Филология фанлари
номзоди, доцент

Юриш-туришимизда, кийийниш одобимизда, сўзлашувимизда, умуман олганда, бизга ҳар доим сув ва ҳаводек керак бўладиган энг катта эҳтиёж – бу гўзалликдир.

Гўзалликлар оро гўзал-қалб гўзалиги

кўрганимизда беихтиёр "Нақадар гўзал" деб юбарамиз. Шунда инсон хеч качон меҳр ва гўзалик тўймас эканда, деган хуласага келамиз.

Аммо гўзаликнинг энг юксаги, мазмунлиси - бу инсон, оллох инсонни мукаммал килиб яраттани эмасми? Уни бошқа мавжудлардан устун тарзда ақл, идрок, тафакур, онг билан сийлади. Бир-бирини севсин дея, қалбига меҳр-муҳаббат солди.

Инсон тириклигига хам, дунёдан ўтганидан сўнг хам унинг сиймоси бўйиб келадиган гўзалик - бу хулқ атвов ва инсоний фазилатидир. Зоро, тан гўзалиги ҳакиқий ошикларни шайдо килиши мумкин. Уларни бир умр мафут этиши учун эса калб гўзалиги талаб этилади. Умр дафтаримизни факат гўзалигу, гўзал хотираларга тўлдирайлик. Куни келиб, сочларни мизга оппоқ фаршишлар ин куришганди хотираларни бараклаб, юзимизга табассум югуриши илоҳим барчамизга насиб этисин.

Табассум БАХТИЁР қизи,
Мусика таълими
йўналиши талабаси

Дефектология

Логопед масъулияти

Нуткий алоқа тил орқали амалга оширилади. Она типи бу фонетик, лексик ва грамматик воситалар системасидир. Гапиривчи ўз фикрини бәён этиши учун зарур бўлган сўзларни танлайди, уларни тилнинг грамматик қоидаларига асосланиб боғлайди ва нутқ аъзолари артикуляция-си орқали талафуз этиди.

Хамма бола ҳам она тилини тўла-конли, ўз-ўзидан мустакил тарзда ўзлаштира олмайди ва она тилини воситаларидан фойдаланганда унинг нутқида ҳар хил нуқсонлар, камчиликлар мавжуд бўлади.

Афусски, биринчя синфга келган айрим болалар нутқи ушбу стандарт мөъёлларига тўғри келмайди. Шунинг учун болалар нутқидаги камчиликларни эрта аниқлаша коррекцион-логопедик иш жараёнида тўғрилаш ва бартарап этиши таълим ва тарбия олдида турган мухим вазифа эканлиги республикамиз хукумати карорларида ўз аксини топмоқда. Бунга эса факат махсус ташкил этилган мактабгача мусасаларда олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи-логопедик ишлар ёрдамида ёриши мумкин.

Бола ўз ривожланишида она тилини оиласда, атрофигилардан тақлид асосида оғзаки шаклда ўрганида ва б-7 ўшида тилининг мурakkab тизимини ўзлаштирган бўлиши лозим. "Мактабгача ўшдаги болалар таълим-тарбиянига кўйиган давлат талаблари" ва шу талаблар асосида тузилган "Нихол" дастурида мактаб ўшига етган болаларнинг нутқий ривожланганлик дара-жасига кўйидаги талаблар кўйилади:

• Товуш, сўларни аниқ ва тўғри талафуз этиши;
• 3000 тадан ортиқ сўзни тушуниш ва билиш;
• Расмига қараб гап тузиш;
• Эртак ва хикояни тинглаш, мазмунини тушуниш ва оғзаки баен этиб бериши;

• Ифодали нутқка эга бўлиш;
• Теварик-атроф, табият манзараси ҳакида кисқача сўзлаб бериши;
• Турли мавзудаги, кичик ҳажидаги шеърларни ёддан билиш;
• Ота-она, тарбиячи тавсияси билан ҳаётий мавзулар бўйича кисқача хикоя тузishi;

• Катталар ва ўртаклари билан гаплашиш маданиятига эга бўлиш.
Мактабгача ўшдаги болаларнинг мактабга нутқий тайёрлиги деганда даражаси, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўнинкаси ва дара-

жаси шаклланганили тушунлади. Бола ўзининг тилини ўзлаштириш қобилияти асосида билиш олиш, нарса ва ходисаларни номлаш, мулокотга киришиш, ҳабар бериш имкониятига эга бўлади.

Нутқ бузилишларини ўрганиш, анклав ва бартараф этиши учун эса калб гўзаликни нормал ривожланиш бошқичларини, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, нутқнинг муваффакияти шаклланишида ўқитувчи-дефектолог, логопед, тарбиячи ва бозка мутахассисларнинг таъсири катта рол ўйнайди.

Нутқ бузилишлари деганда гапиривчи шахснинг маълум тил мухитидаги килинган, нутқида оширилган тарбиянига оширилган тил мавжуд мактабларни олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи-логопедик ишлар ёрдамида ёриши мумкин. Бола ўз ривожланишида она тилини оиласда, атрофигилардан тақлид асосида оғзаки шаклда ўрганида ва б-7 ўшида тилининг мурakkab тизимини ўзлаштирган бўлиши лозим. "Мактабгача ўшдаги болалар таълим-тарбиянига кўйиган давлат талаблари" ва шу талаблар асосида тузилган "Нихол" дастурида мактаб ўшига етган болаларнинг нутқий ривожланганлик дара-жасига кўйидаги талаблар кўйилади:

• Товуш, сўларни аниқ ва тўғри талафуз этиши;

• 3000 тадан ортиқ сўзни тушуниш ва билиш;

• Расмига қараб гап тузиш;

• Эртак ва хикояни тинглаш, мазмунини тушуниш ва оғзаки баен этиб бериши;

• Ифодали нутқка эга бўлиш;

• Теварик-атроф, табият манзараси ҳакида кисқача сўзлаб бериши;

• Турли мавзудаги, кичик ҳажидаги шеърларни ёддан билиш;

• Ота-она, тарбиячи тавсияси билан ҳаётий мавзулар бўйича кисқача хикоя тузishi;

• Катталар ва ўртаклари билан гаплашиш маданиятига эга бўлиш.

Мактабгача ўшдаги болаларнинг мактабга нутқий тайёрлиги деганда даражаси, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўнинкаси ва дара-

жаси шакни ташкил келадиган энг катта эҳтиёж – бу гўзаликдир. Шунга қарамасдан ўз севганинг касбимни пухта ғаллаш учун доимо изланаман.

Дарё ИКРОМОВА,
Дефектология
йўналиши талабаси

Шогирд ташаккури

Сизга таъзим

Инсон ота-она тарбияси билан улгайди. Бефарқ, мактаб ҳам унинг шаклланишида мухим рол ўйнайди. Мен Пахтакор туманидаги "Бахора" болалар боғчасида Санобар Тилавота тарбиячилик килган турхуда эдим.

Үрта мактабда устозим Собир ака пианинода мусиқа чалганида кувониб кетардим, кўшикларни марокланиб кўйилардим. 1-ўрта мактабда ва туман мусиқа мактабида ҳам ўқиши билан бирга ижоддан ахралмай кўшиклар ўрганиб бордим. Устоз А. Бурхоновдан жуда кўп кўшиклар ўрганим. Хужжатларини иккимиздаги Жиззах санъат коллежига топширдидим. Коллежда устозларим

С.Ботирова, З.Сарварова, М.Таълимовлардан сабоқ олдим. Коллежни мувакфаки-ятила таомилаб, Жиззах Давлат педагогика институтининг мусиқа йўналишига тест имтиҳондан ўтиб, талабалик бахтига мусасар бўлдим.

Муаллим-ҳаёт йўлиниң сарбони, деганинг. Мен олийгоҳдаги ана шундайдар устозларимдан Х.Назаров, К.Бобоқулов, Ҳ.Омоновларга таъзим киламан. Махоратли устозларимдан мусиқий таъзим сирларини ўргандим. 4 йил давомида институтдаги тадбирларда фоаълиятни ўтказдиган. "Олтин даръ" имиз, жонажон институтимиздаги ҳар бир кун биз учун мухим ва яхши эсадликидир.

Сизда кўрдим зиё, матонат, Сиз тенги йўқулугу саҳоват, Сиз илим бобнада гўё жасорат, Сиздан таъзим олганларим соз, Сизга таъзим қадрли устоз!

Муаллима бўлиб оларман раҳмат, Ишончинингизни олгарман албат, Ахир биз чун чекканмиз заҳмат, Сиздан таъзим олганларим соз, Сизга таъзим қадрли устоз!

Нигора БЎРИБОЕВА,
Мусика таълими йўналиши талабаси



Кимга кандай. Кимниндир омади келиб биринчи илийек олийгоҳ талабаси бўлди, кимниндир омад кейинрек келар экан. Б

Талабалар хатларидан

Китоблардан ўзингизни қидиринг

Талабалик. Бу даврни бирорта даврга тенглаштириб бўладими. Йўқ. Асло йўқ. Бу давр шу қадар жўшкун шу қадар тезкорки унинг завқи бўлакча.

Азиз ўкувчи! Муаллиф нега сарлавҳага бундай ном кўйди ўзи талабалик даври ҳақида гапира кетди дерсиз. Тўғри. Сиз ҳақсиз. Талабалик даври талаба учун гоят мухим. У (талаба) бу даврда ўзини чинакамига талаба деб ҳис қила олиши керак.

Талабалик ҳисси кўпроқ талабанинг илмий ва ижтимоий фаолигида, фикр эркинлигига, ижодкорлигига, танқидчи, ташаббускорлигига, изланувчанилигига ва ҳатто алданувчанилигига ҳам кўзга ташланиши лозим. Талабалар бугунги кун талабини онги ва тафаккури билан ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ ҳис этиши, талаба бўлмаган дўстларидан шунчаки фарқланибгина қолмай, улардан бир мунча (сиёsat, иктинос, санъат, фан ва ишлаб чиқариш) соҳаларда устун турмоғи лозим. Асло улардан кам эмас. Негаки, улар эртанги куннинг зиёли қатлами, мамлакат юзи, келажак давомчиси ва фуқароси-ку...

Нега талабаликни олтин даврим деб аташади, биласизми? Негаки, бу даврда ҳамма нарса қадрли, олтинга тенг, вақт ҳам, пул ҳам, озиқ овқат ҳам. Ана шундай шароитдагина инсон мияси ишлайдида. Талаба ижод килади "куйлайди".

Бундай гаплар сиз учун эриш туюляптими? Нега? Шу қадар жаҳолат ботқифадимисиз, азиз курсдош. Нега ойнадаги аксингизга қарашга кўркасиз. Нега қандайдир вазият-у, шароитларни пеш қилаверасиз. Нега айбни бирорга тўнкайсиз. Иккичи, учинчи дараҷали нарсалар бутун ҳалингизни қамраб олган. Ҳавотир олманг, сиз гўзл ва ифратли гул бўлсангиз булбул албатта келади (булбуллар, сиз ҳам шошманг). Нега биз ўз позициямиздан оғиб кетмоқдамиз. Нега бизнинг институтимиздан чет элга ўқишга кетувчilar сони кам? Нега? Негаки улар (талабалар) ўзларининг позицияларини яхни жамиятда тутган мавқеларини тўла ҳис этмаятилар. Бунинг сабабини сиз жуда яхши биласиз. Ҳа-ҳа, бу жуда кўп оммавий аҳборот воситаларида ёзилган, айтилган (телефон, интернет клублари, одноклассники) омиллардир.

Азиз талабалар ўзингизни бутунлай эркин кўйинг, чукур нафас олинг, фикрингизни бир жойга жамланг, сизнинг талабалик ҳиссини тўйинингизга ҳалал берадиган ўша воситаларни биз таклиф этаётган жўшкун ҳаёт билан солишитиринг. Сиз учун зерикарли туюляптими? Сиз шу қадар енгил-елпи ҳаётга ўрганиб қолибиз-ки... Энди бундай давом этиб бўлмайди, шу бу гуноқ бирор бадийи китоб ёки шеър мутолаа қилинг, ундан ўзингизни қидиринг, сиз буни уddyалайсиз.

Шахноза КАТТАБЕКОВА,
Педагогика-психология
йўналиши талабаси

Тенгдошим кўл телефонини ўчириди-да, ёнимизга келиб ўтириди. Биз ўкиётган, нималарнидир ёзайтган, ўзимизча "дарс" тайёрлаётган эдик. Стол устидаги китобларни титкилаб: "Мен ҳам тарих фанидан ўкишим керак". "Эртага бу фандан жавоб бермасам бўлмайди, ўтган дарсда ҳам жавоб бермагандим. Ўзи мавзу нима эди?" - деди.

Бахо учун ўқиймизми?

Мен ўйга толаман. Афсуски, биз "келажак умидлари" - га ўхшаш ёшлар, талабалар яна топилса керак. Бизнинг фикримизча дарс тайёрлаш бу курсдошларимиз, ўқитувчilarимиз олдида уялиб қолмаслик ва журналдаги номимизнинг баҳолар қаторини номига бўлса ҳам тўлиши, қораланиши. Лекин биз каби талабалар исм шарифимиз қаторидаги бўшлики эмас, онгимиздаги билимга чанқоқ бўлиб турган бўшлики тўлдирмоғимиз лозимлигини нега билмаймиз? Ёки билиб билмасликка оламиزم? Ёки била туриб меҳнатдан, ўқиб изланишдан қочамизми?

Ахир бизнинг вазифамиз ўқиш, интилиш, изланиш, келажакка нимадир бериш эмасми? Биз нима қилајимиз, қаёқка қараямиз?

Буюн мутафакирларимиздан бири Рудакийнинг шундай доно сатрлари бор:

Илмдан яхшиrok
хазина бўлmas,
Кўлингдан келганча тера
олсанг бас.

зимизни, дилимизни чинакамига қувонтирадиган баҳтимиз кўёши учун ўқиб изланишдан, илм-у маърифат гавхарларини теришдан тўхтамайлик. Ҳазарт Навоий бомбомизнинг ҳам илм ҳақида айтган қуйидаги жумлалари илмни дунёда қанчалик бебахо ҳазина эканлигини яна бир карра исботлайди:

"Илм ортиқим,
икки жаҳон шоҳлиги"

Агар мозийга назар ташлайдиган бўлслак, қанчаданканча санасак сон озлик қилгудек моддий ва маънавий, миллий меросларимиз бор. Биз ёшларнинг муқаддас ва-зифамиз шу меросларимизни ўрганиб, асраб-авайлаб, уларни янада бойитиб, келажак авлодга етказиб беришдан иборатдир.

Биз ёшлар ўзимизни, ўзлигимизни англаб, Ватанимиз истиқболини субитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бундай мақсад йўлида иккиланиш, манфаатпрастликнинг майда-чўйда ташвишларига ўралашиб,

Китоб бу-калб таржимони. Кўнгилга кўл, эзгуликка йўл соладиган, баъзан койиб тургувчи, ҳаёт сирин билгувчи, мўъжизали ё билмам, энг яхши дўст, дугонам. Китобхон, бугун сени мадҳ этишга шайланаман, сенинг гўзал боғинг аро айланаман. Баъзида ижодкор калбида ботмондай занглаб ётган дардларини яширишга уринади, аммо шаддод қаламжон барчасини ошкор килиб кўяди.

Ха-ха, ёзувчи, шоирлар табиатнинг кўрганини, ички кечинмаларини, дардларини ва шу билан бирга билганини ўзади. Баъзан китобхоннинг кўнглига дардкаш бўлиб кира олиши балки шундандир.

Ижодкор аҳли ҳақида гап кетганда мени кўпроқ ёш шоир Носиржон Жўраевнинг ижоди қизиқтиради.

Тақвим ҳижрон учун тузилган жадвал, Катма-кат ўйилиб борар сенсиз кун. Билмадим ким эдим севмасдан аввал, Одамга айландим, муҳаббатдан сўнг.

Шеър мағзини чақишига уринганимда ҳижрондаги ошиқнинг мавъукасисиз чекаётган азобларини хис қилгандай бўлдим гўё...

ватанга, халқа, келажак авлодимизга хиёнат бўлади.

"Бизнинг энг улуг мақсадимиз, энг улуг foямыз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёрув ва эркин ҳаёт сари олға юриш".

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлаётак.


Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда биз ёшларга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, бизга берилган ишончни оқлаб, қалбимизда иймон нури порлаб, чин эътиқод билан бу хизматларни бажарсанги Ватан биздан рози бўлади.

Ёшлар, ўзимизни англайлик. Жамиятимизда тубанлик, маънавий ожизлик кўринишларига йўл қўймайлик. Атроф-муҳитдаги воқеаларга локайд қарамайлик. Иродали, кучли, матонатли ва мухтарам Президентимиз айтгандаридек, юксак маънавиятли бўлсакгина йўлимида ураган ҳар қандай тўсикни енгиб барча олий максадларимизга эришамиз. Бугунги ва эртамизнинг бокий ва обод турмушини қурамиз. Ватан озодлиги йўлида курашган, бугунги фаровон турмушимиз йўлида жон фидо килган не-не ажоддларимизнинг орзуларини амалга ошириб, руҳларини шод қилган бўламиз.

Шахноза РАҲИМОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси

18 май – Кимёгарлар куни

Химик бўлиш – шарафли



Кимё фани асосларини билиш факат мутахассис химикларгагина керак, дейиш хотүгри бўлади. Бизнинг давримизда ҳар тарафлама камол топган ҳар бир киши кимё асосларини билмай туриб, иш юрита олмайди. Энг оддий кимёвий тасаввурларга эга бўлмай туриб атрофимиздаги моддий дунёни тушуниб бўлмайди.

Кимёни ўзига касб сифатида танлаб олган тадқиқотилар моддалар ва уларнинг ўзгаришларини ўрганидилар. Янги модда олиш, унинг яхси хоссаларини топиш, янги кимёвий реакцияни очиш учун жуд кўп билим ва маҳорат талаб килинади. Бу иш билан шуғулланадиган киши кимёнинг энг мухим тушунча ва қонуниятларидан хабардор бўлиши зарур. Кимёвий жараён ва ҳодисалар механизмини физик ва математик тасаввурларсиз тушуниш ҳамда тушунтириш мумкин эмас.

Ҳаққий профессионал химик бўлиш учун факат назарияни эгаллаш камлик киласи. Кимёвий тажрибаларни билимдонлик ва идрок билан ўтказиш ҳам мухим аҳамият қасб этади.

Қўриниб турибдик, ҳозирги замон химиги кўп нарсани билиши ва бажара олиши керак. Тез ривожланётган замон даражасидаги билимга эга бўлиши учун доимий равища ўқиб-ўрганиш зарур.

Кимё илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳалқ ҳўжалиги режаларини муввафакиятли бажаришда мухим рол ўйнайди. Унинг роли ортиб бориши билан химиклик касбининг мухимлиги ҳамда аҳамияти ҳам ортиб боради.

Лочин АБЛОҚУЛОВ,
Кимё йўналиши талабаси

ВИКТОРИНА

Тўғри жавоб йўллаган дастлабки иккى нафар иштирокчи муаллиф томонидан кимё фанидан ажойиб китобга эга бўлади. Шошилинг!

Викторина саволлари:

- Энг биринчи қазиб олинган ва ишлатилган металл номи.
- Термит нима учун ишлатилади?
- Энг қадимги қотиши қайси?
- XIX асрда кумушдан уч юз марта қиммат бўлган металл номини айтинг.
- Нима учун мис буюмларининг юзи яшил доғлар билан қопланади?
- Қадимги грек афсоналарининг қаҳрамони Зевснинг ўғли шарафиға кўйилган металл қайси?
- Олтindan 320 марта қиммат турдиган металл қайси?

- Архимед соф олтинни аниқлашнинг қандай усулини таклиф этган?
- Қайси минералга ўзбек олимдининг фамилияси берилган?
- Сунъий равишида олинган биринчи металл қайси?
- Сунъий равишида олинган биринchi жавоб беринг.
- Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларида металлургия комбинати бор?

Собир ХАМИДОВ,
Кимё йўналиши талабаси

Жавобларнингизни «Зиё чашмаси» таҳририятига йўлланг

Аввал ўзингизни эмас, сўзингизни кийинтиринг

Нафақат бу парча, балки яна баъзи шеърларининг мазмuni ҳам менинг ҳаёлот оламимни аллалаётгандек.

Бир куни таникли шоирлариз Турсуной Содиковнинг "Сўз сеҳри" деган китобини дўкондан сотиб олдим. Шоирларимизнинг бу китоби ҳаётимда катта аҳамият қасб этди. Айнисса шоирининг менга ёққан мисраси "Сиз аввал ўзингизни эмас, сўзингизни кийинтиринг, сиз айтган гаплардан одамларнинг кулоги оғринмасин, ҳаводек шимирсинглар, энг яхши гулни хидлагандек бўлсин, яхшилик йўлида ёлғонни ишлатинг, аммо

Тенгдошим! Китоб дунёсига ошно бўлинг, сизни ақлан етук комил инсон бўлишигизга зинапоя вазифасини ўтайди. "Мен ўзимдаги барча ижобий фазилатларни китоблардан топганман", дейди файласуфлардан бири. Демак, биз ҳам ижобий фазилатларга эга бўлиш учун доимо китоблар билан дўстлашишимиз, китоб билан ҳамоҳанг бўлишигиз, юксак маънавиятли, комил инсон бўлиб камолот чўққиларини эгаллашимиз лозим.

Мақсаду
БЕКМИРЗАЕВА,
Педагогика-
Психология йўналиши
талабаси



ЁШЛИК НАВОЛАРИ

Ижодкор талабалар машқларидан



Жоним Ватан

Монгода күёш бошингга нурини сочар.
Саҳар чоғи шабнам юзиненни ювар,
Мөнгар сенга ҳамроҳ бўйиб тўрт тарафдан.
Кўкка етиб ҳақдан тинчликни сўрар.
Дилда мадҳинг жо айладин жоним ватан,
Яшайверсин иғбол нуринг доим ватан.

Хар бир инсон поинчедамас осмонингда.
Чен-қизинг ҳимоянгда жон-жонингда,
Буюкларнинг руҳи сенда мангу тирик.
Яшаб юрар или деган бўстонингда,
Адолатлар порлоқ бўйсиг сенда ватан.
Минг буюклар фақат сенек ерда ватан,
Ҳар қарини буркагандир оқ гулларга
Садоқатнинг битигандир пок дилларга.
Ён атрофга меҳр нурин сочажаксан.
Жондек дўстсан қардошлиару чин эмларга,
Дўстлик риштанинг узимласин ҳеч ҳам ватан.
Яратганинг меҳри жўнган саждам ватан,

Сенда униб улгагиди ҳар бир гиёҳ.
Капалаклар бағриғи үзра топгай паноҳ,
Ҳалининг кўзи хурсандликидан чақнаб турад.
Бор юзлинилар сенда жамдур дунё губоҳ,
Дун келиб кўз очганини сенсан ватан.
Бешинимда онам айтган ишерсан ватан,

Дурданалар ишра танҳо дурданамсан,
Доими гурур, орномуси мадданамсан.
Ҳар вақт дуо айлар бўйсиг сени ўйлаб,
Ҳафдан толе сўраганинг бир донаисан.
Истагим шу, сенга фидо бўймоқ ватан,
Сен яшансанг мен ҳам мангу ўйгоқ, ватан.

Улуғбек ТУЛАГАНОВ,

Инглиз тили йўналиши талабаси

Мен ҳаётман

Мен ҳаётман, юрагимда, Вужудимда ҳаёт қайнар
Мен булоқман қўпориглан тупрогимда ҳаёт қайнар
Мен лоламан яногимда, дудогимда ҳаёт қайнар
Мен саҳроман тўзонимда, хуморимда ҳаёт қайнар
Мен асарман сатримда, варагимда ҳаёт қайнар
Яшамоқда ташна қалбим сўргомимда ҳаёт қайнар.

Шаҳноза КАТТАБЕКОВА,

Педагогика-психология йўналиши талабаси

Чорвадор қишлоғида Қосим бобо исмли қария яшарди. У уруш қатнашчиси. Урушда оёғидан ўқ егани сабабли оқсоқланиб юрар, юзларидаги чандик эса унинг кўринишини янада "кўркам"роқ қиласа эди.

Бобо ёлғиз яшайди. Кампира икки йил олдин вафот этган. Ёлғизликдаги овунчоги китоб. Ёши бир жойга борганига қарамай кўп китоб ўқир, йўлда юрганда фазаларни куйга солиб юрар эди.

Кишлоқ болалари бобони кўриши билан унинг олдига югуриб келишар, бошларини бобона тутиб, черттириб, сўнг конфет-ширинликлар олиб бобонинг янги саргузаштларга бой ҳикояларини тинглашга тўпланишар эди. Бобонинг бу болалардан бошқа ёр-у биродарлари йўқ эди.

Бир куни бобонинг аҳволи

ёмонлашиб қолди. Буни кўрган болалар дарҳол бобони шифохонага олиб боришиди. Ахволидан хабар олгани меҳрибон болажонлар мева-чева, нон олиб шифохона томон йўл

бориб, энди кутубхона эшигини очаётганда, нодон ўқитувчининг болаларга:

"Қосим бобонинг уйига бораверманглар, сизларга урушдаги воқеаларни айтиб онгларингни бузади" - деб гапиравётганини эшишиб қолди. Бобо шу заҳоти орқасига қарагунча кўзларида ёш билан мактабдан чиқиб кетди. Бу гаплар бобонинг кўнглига жуда оғир ботди. Уйга бориб ётиб, қолди. Шундан кейин бобо ўрнидан турмади.

Қосим бобони йиллар ўтиб халқ "Ватан фахрийси", болалар "Азиз устоз" имиз деб эсларди. Бобо ёди болаларнинг соғ қалбида унитилмас хотира бўлиб қолди.

Гулчехра АБДУРАЗЗОКОВА,
Зарбдор тумани қишлоқ
хўжалик КХК ўкувчи

КИЛОДА

ҲИКОЯ

олишиб. "Одам тафтини одам олади" дегани шу бўлса керак, болаларни кўрганидан бобонинг юзига табассум юргурди.

Ўн кун деганда шифохонадан чиқди. Яна унинг атрофида болалар парвона.

Бир кун қишлоқ мактабига

Зиё ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарilmайдi.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: К. Нуъмонова

ЎКУВЧИННИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Институтимиз кошидаги 2-сон академик лицей ўкувчиси, умидли ёш шоири Дилнавоз Абдулаеванинг илк китоби босмадан чиқди. "Сангзор нашриёти" томонидан чоп этилган "Жилга" деб номланган мазкур тўпламдан Дилнавозининг Ватанини, онани, ёшлини улугловчи шетрлари ўрин олган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ўзбекистон ёзувчilar уюшмасининг аъзоси, таникли адабётшунос олим Ортиқий Абдулаевнинг сўз бошисида таъкидлаганидек, Дилнавоз илк шеърларидаёт ўз сўзини айтишга, дунёни шоирона идрок этишга интилоқда. У самимий фикрларини образлар тилида ифодалашга, мисралар бағрига ўзига хос мазмун сингидиришга ҳаракат қиласи.



Даҳор

Кирхб келар ўйнага баҳор,
Боёваклар соғиб юрори,
Тўзалиши ажаб мағтијор,
Сўйиб берар баҳор изҳори.

Кизгалдоғин гўзлар жисоси,
Ром этар боғ-уроғ, қўрни,
Сайраганчоқ юмашни нидоси,
Чўйлаб олар хусункор ерни.

Биргундидан сўйларни бисёр,
Чиройшадир ортиши бетакрор.

Чарх уради кўёши дайр,
Пойига гул тўшидиди баҳор.

Ҳавасиша үйнинг ҳиснага,
Ишҳечаклар бўмбингинизор,
Юртим баҳор тўёни сенга,
Чиройидан сўйлайди тақфор.

Табиатнинг гўзлар зарридан,
Идизолар гуллар япроғи,
Кизарган гул офтоб рангидан,
Лола ўзини юзи яноғи.

Зулғифи ҚАМБАРОВА,
Мактабгана таълим
йўналиши талабаси

Армоним, мен нима қилаӣ?

Алами кўз ёшили селдай оқади,
Ҳаёт намуна гамигин боқади.

Менинг кўз ёшларим кимга ёқади

Армоним, мен сени нима қиласин?
Кўзимда томчи ёш ишгилиб қолди,

Менинг нафратини билмайни қолди.

Ҳаёт синовини бошишига солди

Армоним, мен сени нима қиласин?

Сабр дейшишади баъзи одамлар,

Ўнинг чегараси бордур азизим.

Моқат дейшишади баъзан одамлар,

Армоним, мен сени нима қиласин?

Кўз ёшим оқизма, оқизма зинҳор,
Бу гапни айтаман тақрор ва тақрор.

Менинг юрагими тушунгни бир бор,

Армоним, мен сени нима қиласин?

Қадамиши пойлами, юрма изимдан.

Мендан қайгуларни ол, келма изимдан.

Менинга тинчлигимни бузмагин зинҳор,

Армоним, мен сени нима қиласин?

Мен бугун баҳтга қадам қўяман,

Дунёда баҳтиёр инсон бўламан.

Мен энди доимо шундай юраман,

Армоним, мен сени нима қиласин?

Умида ЭРГАШЕВА,
Бошлангич таълим ва

СТИ йўналиши талабаси

Омиқ

Кўриб сени эй малак,
Гирифторинг бўлдим мен.

Сени деб жоним ҳалак,

Севлан ёринг бўлай мен.

Васфинда байтлар битай,

Чозик кўнглини олай деб.

Севги шаробин тотай,

Ошиқлик расми шу деб.

Кўзларимга боқсанг гар,

Ҳақиқатни кўрасан.

Чин мұхаббатни магар,

Фақат мендан топасан.

Сожида АБДУЛҲАКИМОВА,
Бошлангич таълим ва

СТИ йўналиши талабаси

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдула Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институти.

«Jizzax-Print»
bosmaxonasiда chop etildi.
Коҳона манзили:
Jizzax shahri, 130100.
Sayilijoyi ko'chasi,
4-uy.

Офсет усулида 6250 нусхада босилди.
Буортма №
Shakl-A-3.

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайtarilmайдi.

Муаллифлар фикри таҳриriят нуқтаи назаридан фарқlаниши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: К. Нуъмонова